

ЮНОН-БАҚТРИЯ УСЛУБИДА ЯСАЛГАН ИЛОҲИЙ МАЪБУДА

Шерзод Раджабов

Термиз археология музейи бўлим мудир.

Сайёра Қамбарова

музей илмий ходими.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14739765>

2005 йилда Термиз Археология музейи фондига топширилган. Шеробод тумани Навбоғ қишлоғида топилган ноёб топилма билан бойитилди. Ушбу топилма мил.кад. II-I асрларга мансуб оҳактошдан ясалган ва иккала қўли билан гулчамбар кўтариб турган аёл тасвиридир.

Аммо топилмада тасвирланган аёлнинг бош қисми синиб тушганига қарамасдан, ушбу ҳайкалчада тасвирланган маъбуда ҳақида атрофлича фикр юритиш мумкин. Дастлаб ҳайкалчанинг ўлчамлари ҳақида маълумот бермоқчимиз. Ҳайкалчанинг умумий баландлиги бошсиз ҳолатда 24 см.ни елка қисмининг орқа томонидан ҳисоблаганда эни 13 см.ни ташкил этади. Ҳайкалчадаги аёлнинг бел қисми 4 см.ни бел қисмидан пастки узунлиги 9 см.дан иборат. Ҳайкалча лойдан ишланган бўлиб, аёлнинг бош қисми синиб тушган. Ҳайкалчанинг даври мил.кад. II-I аср деб баҳоланаётган бўлса-да, барибир эллинистик маданиятининг таъсирини аёлнинг белдамча (корсет) ва елка тасма (лямка)си орқали кўриш мумкин. Аёл танасининг белидан пастки қисмини ҳарир матодан тайёрланган кўйлак ёпиб турибди. Ушбу тортиб турган ва кўкрагини ёпиб турган корсет орқали елка тасмачаси аёл бўйнининг ҳар икки томонида тасвирланган ва ниҳоят аёл иккала қўллари билан турли хил гуллардан иборат гулдастани маҳкам қучоклаб олган.

Гулдастанинг бир қисми аёл танасининг ўнг қисмидан осилиб тушган ҳолатда ҳайкалтарош томонидан моҳирона тасвирланган. Аммо ҳайкалчанинг энг жумбоқли ва сирли жойи аёл танасининг чап томонидаги оёғининг сон қисмида ўз ифодасини топган.

Бу ерда, аёлнинг чап оёғи сони устида 4×5 см, катталиқда шернинг бош қисми тасвирланган бўлиб, икки кўзли ва оғзини очган ҳолатда ишланган. Шернинг оғзидаги тўртта тиш ҳам яққол кўриниб турибди. Энг қизиғи шер бошининг устида кабутарсимон қуш қўнган ҳолатда тасвирланган.

Амударё хазинасидан топилган узуклардаги тасвир билан Навбоғдан топилган ҳайкалча ўртасидаги ўхшашлик шундан далolat беради-ки, иккаласида ҳам Анахита худоси тасвирланган деб фараз қилиш мумкин.

Анахита зардўштийлик даврида ободонлик ва фаровонлик маъбудаси бўлиб ҳисобланган. Қадимда деҳқонлар ёғингарчилик ва ҳосилдорликни Анахитанинг муъжизаси деб ҳисоблашган. Қадимги ҳайкалтарошлар Анахитани бир қўлда анор ёки олма ушлаб турган аёл шаклида тасвирлашган. Бизнинг мисолимизда эса аёл гулларни кучоклаб олган ҳолатда тасвирланган. Бу шундан дарак берадики Анахита худоси қиёфаси зардўштийлик, эллинизм ва Бактрия маданияти даврларида турлича ҳолатда тасвирланиб ҳар бир даврнинг руҳи унга сингдирилиб борилган. Форсийтиллар оиласига кирувчи халқларда асосий аёл маъбуд Анахита ҳисобланган. Анахита “соф”, “тоза”, “доғ тушмаган” маъбуд бўлиб, Ардвиги маъбудни сингари илоҳийлашган. Анахитанинг иккинчи бир сифати “оқ кийимга уралган”идир. Ардвисура Анахита қадимги ҳинд-эрон халқларининг сув билан боғлиқ ҳосилдорлик худосидир. Анахита маъбудасига сиғинишни қадимги Эрон халқларининг ривоятларига кўра мил.қадар 405-359 йиллар ҳукмдорлик қилган Эрон подшоҳи Артаксеркс II томонидан киритилган. Чунки бу ҳақда Ахурамазда, Анахита ва Митра худоларининг номи битилган Суза ёзувлари хабар беради. Нима бўлганда ҳам, Амударё бўйи халқларининг маданияти жаҳон халқлари маданиятининг узвий ва таркибий қисмларидан бири бўлиб, унинг баъзи бир ноёб дурдоналари Термиз Археология музейи фондларида сақлаб келинмокда ва жиддий илмий тадқиқотларни талаб қилади.

